ТАЪЛИМ –ТАРБИЯНИНГ ЁШЛАР ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

С.Т. Маматкулов - ЖДПИ докторанти

Таянч иборалар: ёшлар, ҳаётий позиция, таълим, тарбия, жамият, манфаат

Ҳар қандай инсон индивидининг шахс сифатида шаклланиши мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Бу жараёнда жамиятни ташкил этувчи кўплаб ижтимоий институтлар: оила, маҳалла, таълим, фан, дин, ахлоқ, қонун ва ҳ.к.лар иштирок этади. Мақсад – ҳар бир индивидни жамият манфаатларига монанд шахс сифатида тарбиялаш ва ҳаётда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига кўмаклашишдир. Бу жамият олдидаги ниҳоятда муҳим масалаки, ўз навбатида жамият тараққиёти борасидаги эзгу мақсад ва ғояларнинг амалий рўёби ҳам ана шунга боғлиқ. Зеро, ҳозирда ҳар қандай жамият тараққиёти унинг бағрида камолга етаётган шахснинг онги, дунёқараши, ҳаётий позицияси, бир сўз билан айтганда инсон омили билан бевосита боғлиқ эканлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатга айланган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда шахс тарбиясини изчил ва замон талабларига мувофиқ олиб бориш бугунги кунда, аввало таълим-тарбия тизими олдидаги биринчи даражали вазифа қилиб белгиланган. Ва бунинг амалий исботини сўнги йилларда мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” (1) деган эзгу ғояси остида амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида кўриб турибмиз.

Қатъий ҳаётий йўналиш ва ўз ҳаётий стратегияларини ишлаб чиқиш - бу ҳозирги мураккаб замонавий дунёда ёшлар мослашувининг зарур шартларидир. Ёшларимиз ўзидан олдин ўтган авлод тўплаган барча ижтимоий ютуқларни қанчалик тез ўрганиб, ўз ижодий фаоллигида:

меҳнатда, фанда, сиёсий фаолиятида амалга татбиқ қилишни ўрганса, шунчалик тез шахс сифатида ижтимоийлашади, яъни жамиятдга мослашади. Бунда таълим-тарбия жараёни алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия ижтимоийлашувнинг етакчи ва ҳал қилувчи негизидир. Тарбиянинг асосини таълим, яъни олдинги авлод томонидан тўплаб келган билимлар ва маданий қадриятларни ёшлар онгига сингдириш жараёни ташкил қилади.

Таълим жамиятни юксалтириш йўлларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи ижтимоий институтни ўзида ифода эгади, чунки айнан у демократик жамият устуворликларига мувофиқ янги ижтимоий онг шаклланишига кўмаклашади. Таълим ва ҳозирги замон жамиятининг бундай ўзаро яқин муносабати табиийдир, чунки таълим тизими ижтимоий билимлар ва профессионал кўникмаларни белгилабгина қолмай, балки асосий мезонлар ва ҳаётий қадриятларни, шахс ва жамиятнинг позициясини шакллантириб, эртага ҳаётга қадам қуювчиларни ҳаётга тайёрлаб воқеа-ҳодисалардан олдинда боради.

Таълим-тарбия жараёнининг муҳим вазифаларидан бири - шахс ва жамият муносабатларини конструктив тарзда йўлга қўйиш, ёшларда ҳаётий позицияни шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Ёшлар жамият ҳаётига кириб борар экан уларда атроф-муҳитга, кишиларга, қадриятларга ва ўзига нисбатан муайян ҳаётий позиция ҳам шаклланиб боради. Улар ҳаётида рўй берадиган турли-туман ҳодисалар муқаррар равишда онг ва дунёқарашга ўз таъсирини кўрсатади. Бу катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларда жуда оғриқли кечиши ҳам мумкин. Баъзида ҳаётнинг турли қийинчиликлари, талотўплари ва эврилишлари олдида ёшларда ўзига нисбатан ишончсизлик, ҳаётий мўлжалларнинг йўқолиши, юксак мақсадлар қўйишдан чўчиш, ўз имкониятларини етарлича баҳолай олмаслик каби салбий ҳаётий позиция шаклланиши ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг жамиятда ўзларининг муносиб ўрнини топа олмаслиги, ҳаттоки турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимолини оширади. Шу боисдан ҳам таълим-

тарбия жараёни шахсда конструктив ҳаётий позиция шаклланишига кўмак бериши зарур.

Ёшларнинг ҳаётий позицияси ҳаётда тутган ўрни ва ўз вазифасини тўғри англаши хамда уни рўёбга чиқариш учун ўзига хос йўлланма бўлиб хизмат қилади. У жамият учун ё сермаҳсул, ё шахснинг пассивлигига олиб борувчи чекланган, барқарор бўлмаган, мустақилликка ёд бўлиши мумкин. Олимларнинг фикрича, “ёшлик чоғида ўзини ифодалаш, ўзини рўёбга чиқаришга эҳтиёж пайдо бўлади, ўзини рўёбга чиқариш соҳасини ва унинг усулларини танлаш, энг аввало, ёшлик йилларида юз беради”(2).

Ёшлар гуруҳини таҳлил қилишда, шунингдек, уларнинг жамиятдаги ўрнини, мақомини ва ролини ажратиб кўрсатиш зарур. Ёшлик ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи белгилаб олиши, ўз қобилияти ва иқтидорини мумкин қадар рўёбга чиқариш имконини берувчи муваффақиятли ҳаёт йўлига етакловчи ягона тўғри йўлни топиши лозим бўлган давр деб ҳисобланади. Бу давр ўз “Мени”нинг оғриқли қийин жараёни билан бирга кечади. Ж. Г. Мид таърифига биноан, бу қуйидагича кўриниш олади: “Ёшлар улғайиб, ижтимоийлаштириш жараёнида уларни тайёрлаган дунёга эмас, бошқа дунёга келиб қолади. Катталар тажрибаси ярамайди. Ёшларни ижтимоий тузилмада бир нуқтаи назардан машғулотларга тайёрлайдилар, тузилма эса бошқача, аввалги позиция унда йўқ”(3). Олимнинг ушбу фикри бир қарашда кескин ва бир томонламадай туюлса ҳам, чуқур мушоҳадага чорлаши билан эътиборга моликдир. Буни ҳозирги таълим-тарбиянинг бир қатор устувор ҳусусиятлари, асосий тамойиллари билан боғлаш мумкин.

Биринчидан, таълим-тарбия жараёнининг реалликдан кўра, кўпроқ идеалистик моҳиятга эга бўлиб қолганлиги. Бунда тизим Ж.Мид айтганидек, ёшларни кўпроқ назарий билимлар билан тўйинтиради (бироқ аксарият ёшлар бу билимлардан амалда фойдаланиш кўникмасига эга эмас) ва идеал ҳаётга тайёрлайди. Бу ҳусусият таълим-тарбия тизимининг барча босқичларида кузатилади. Бу аслида ҳозирда таълим-тарбия тизими дуч келган парадоксал вазиятдир. Ё тизим ёшларни муаммолардан ҳоли бўлган

“эртакнамо” жамиятда яшаш кўникмаларини шакллантириш орқали соғлом ва нормал жамият қурилишига эришиши лозим, ёки ёшларни реал дунёга (мураккаб ҳаётнинг турли муаммоли вазиятларига) тайёрлаб идеал мақсадлардан узоқлашиш керак. Тизим мазкур диллемада биринчи йўлни танлаган ва бунинг натижасида катта ҳаёт (реал ҳаёт)га қадам қўяётган ёшлар асосан 15-18 ёшда бирданига нотаниш оламга тушиб қолишдек улкан босимга дуч келадилар. Бу уларнинг ҳаётий стратегиясини ҳавф остида қолдиради ҳамда кейинчалик жамиятга нисбатан ё радикал ёки лоқайд кайфиятни юзага келтиради. Балки бу суидцидал ҳолатларнинг айнан мана шу ёшда юқори даражада бўлишининг сабабларидан бири бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, таълим-тарбия ижтимоий ўзгаришларга энг тез мослашувчан ва айни вақтда ана шу ўзгаришларни детерминантлайдиган жараён бўлиши керак. Зеро, стереотиплар ҳукмронлик қилган таълим-тарбия замондан ортда қолиш ва реалликдан узоқлашишга маҳкум. Шу боисдан ҳам бунда нафақат педагогика, балки турли фанлар: фалсафа, социология, психология фанлари кесимида методологик мониторингни тизимли йўлга қўйиш, бу борада мана шу фанлар кесимидаги илмий-тадқиқотларни кучайтириш зарур. Бу замон талабларига мос келмай қолган таълим-тарбияга оид эскича ёндашувларни аниқлаш ва улардан воз кечиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда бу борада консерватив ёндашувлар мутлақ ҳукмрон бўлишига йўл қўймаслик лозим. Бу қадриятларни мунтазам қайта баҳолаб боришни тақозо этади. Гап шундаки, оҳирги вақтларда ижтимоий тармоқларда таълим-тарбия жараёнида айрим педагоглар томонидан тарбияланувчи, ўқувчи ёки талабага нисбатан куч ишлатилиши билан боғлиқ вазиятлар кенг муҳокама қилинмоқда. Бунда икки ҳил дунёқараш, яъни либерал ва консерватив дунёқараш тўқнаш келаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Куч ишлатиш, зўравонлик ва қўрқитиш воситасида итоаткорлик сифатини шакллантиришга асосланган таълим ва тарбия қулдорлик ҳамда феодал тузумлардан қолган стереотиплар ҳисобланади аслида. Бундай

ёндашув оҳир-оқибатда мутеъ, инфантил ва ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган, ташаббуссиз шахс шаклланишига олиб келади. Биз ёшларни сифатли таълим ва тарбия олишга ҳақли истеъмолчи шахс сифатида қарамас эканмиз, таълим-тарбия ва мотивация бир-биридан айро ҳодисалар бўлиб қолаверади.

Учинчидан, кичик ёшликдан бошлаб болада ҳаётий мақсадлар қўйиш ва унга стимул бериш шахс ҳаётий позицияси шаклланишининг муҳим шартидир. Бу аввало оиладаги тарбия жараёнидан бошланади. Бироқ, ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, оила институти болада ҳоҳиш ва истакларни мақсад даражасига кўтаришга етарлича имкон топа олмаётир. Асарият оилалардаги ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳаотик ва фатал тарзда йўлга қўйилган. Аксарият ота-оналар ё тирикчилик ташвиши билан банд, ёки уларда педагогик-психологик билим ҳамда тажриба етишмайди. Натижада бола социализациянинг илк ва муҳим босқичини ё телевизор қаршисида, ёки ўз тенгдошлари билан мулоқотда ўтказади. Америкалик машхур психолог олим Э.Берн тадқиқотлари шундан дарак берадики, шахсда ҳаётий позиция, яъни бошқа кишиларга, қадриятларга ва ўзига бўлган барқарор ва ўзгариши қийин бўлган нуқтаи назар, қараш ва муносабатлари болада 5-7 ёшгача оилавий муносабатлар таъсирида шаклланиб улгурар экан. Айнан мана шу ёшда боланинг кейинги бутун ҳаётий йўлини белгилаб беришга қодир ҳаётий мақсадлар ҳам шакллана бошлайди. Бироқ, аксарият ҳолатларда нафақат оила ва мактабгача тарбия муассаси, балки мактаб ёшида ҳам шахсда ҳаётий муҳим мақсадларни шакллантиришга қаратилган педагогик-психологик фаолият ниҳоятда суст йўлга қўйилган. Таълим-тарбия муассасаларида малакали психолог мутахассислар етишмаслиги ҳам муаммонинг асл сабабларидан биридир. Одатда ҳаётий мақсадлар ёшликдан бола томонидан муайян касб-корни танлаш уни ана шу мақсадларининг муҳим воситаси сифатида қабул қилиш жараёни билан кечади. Болаликдан муайян профессионал позицияни шакллантириш юксак кадрлар тайёрлаш ва кадрларни жой-жойига

қўйишнинг муҳим негизи ҳисобланади. Зеро, меҳнат самарадорлиги ва касбга муҳаббат узвий алоқадор ҳодисалардир. Бироқ, қатор тадқиқотлар олиб бориб шундай ҳулосага келдикки, олий таълимда таҳсил олувчи аксарият талабаларда касб танлаш мезони ҳаётий мақсад ва қизиқишлардан эмас, балки имконият ва зарурат натижасида келиб чиққанлиги муаммонинг нақадар жиддийлигини кўрсатади (социологик сўровда айрим факультетларда 60-70% гача ўз танлаган касбига қизиқишнинг йўқлиги кузатилди).

Тўртинчидан, шахсда ҳаётий позиция шаклланишида ибрат тарбиясининг ўрни ниҳоятда муҳим. Инсон илк болалик даврларидан бошлаб реал шахслар (ота-она, мураббий, қўшиқчи, кино юлдузи ва ҳ.к.) ёки тўқима қаҳрамонлар (эртак ва афсонавий қаҳрамонлар) нинг маънавий қиёфасидан андоза олиб шакллана бошлайди. Ҳар қандай жамият ўз идеалларини, қадриятларини асосан иккинчи навбатда тилга олганимиз – эртак қаҳрамонлари орқали ёш авлод онгига сингдиришга ҳаракат қилади. Бир қарашда арзимасдай туюладиган установканинг бундай кўриниши аслида фавқулодда кучли таъсирга эга. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёни фольклордан унумли ва муттасил фойдаланади. Бунинг нозик жиҳати шундаки, тарихий даврлар мобайнида яшаб келган эртак ёки афсона бугунги кунга тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Баъзи эртаклар сюжети шундай тузилганки, унда қаҳрамон қийин вазиятга тушганда қандайдир сеҳрли куч уни бу вазиятдан қутқариб қолади. Бу ёш бола онгида ўзига ишонмаслик, ўз муаммоларини ҳал этишда четдан нажот кутиш каби сифатларни шакллантириши ва бу унинг ҳаётий позициясига айланиши мумкин. Шу боисдан ҳам бу масалага жиддий эътибор бермоқ жоиз.

Умуман фикрларимизни мухтасар қилиб айтганда, шахсда конструктив ҳаётий позицияни шакллантиришда таълим-тарбия жараёнининг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия жараёнини пухта ташкил этиш, ундаги камчилик ва муаммоларни вақтида бартараф этиб бориш, бу

жараёнга замон талабидан келиб чиқиб инновацион ёндашувларни кенг жорий қилиш ниҳоятда муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., Ўзбекистон, 2016. –Б.14.
2. Абульханова К. А. Стратегия жизни. -М.: Мысль, 1991. С.255.
3. Mead G. Mind, self and society. - Chicago, 1934. P.56.